


2020-2021 йиллар I-ярим йиллик якунига кўра асосий фаолият кўрсаткичларининг таққослама диаграммаси



2021 йил I-ярим йиллик якуни бўйича Республикамиздаги 11400 км минтақавий автомобиль йўлларитаъмирланди. Шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 347,7 км, Андижонда 1075,1 км, Бухорода 835,1 км, Жиззахда 634,8 км, Қашқадарёда 820,8 км, Навоийда 488,2 км, Наманганда 1231,5 км, Самарқандда 1149,6 км, Сурхандарёда 1066,3 км, Сирдарёда 350,8 км, Тошкент вилоятида 1134,5 км, Фарғонада 1571,8 км, Хоразмда 693,8 км минтақавий

автомобиль йўлларида таъмирлаш ишлари олиб борилди. Минтақавий ички йўллар таъмири ҳажми эса ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 899 фоизни ташкил этади.

2021 yil I-yarimiyillik yakuniga ko'ra mintaqaviy avtomobil yo'llarining ta'mirlash (xududlar kesimidagi diagramma)

2021 йил I-ярим йилликда Республикабўйича автомобиль йўлларида 42695 км узунликдаги йўллардан 1042 кмдан иборат қисмида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларнинг ҳолати яхшиланди. Бу эса 2020 йил I-ярим йилликка қараганда 129 фоизни ташкил этади.

Тизим корхонлари томонидан 2021 йил I-ярим йиллигида 856 та янги иш ўринлари яратилди. Бу кўрсаткич эса 2020 йилининг мос равишдаги тегишли даврига қараганда 7.2 фоизни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Автомобиль йўллари қўмитасининг 2021 йил I-ярим йилликда умумий бажарилган ишлар ҳажми – 3708,1 млрд. сўмдан иборат. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 219 фоизни ташкил этганлигини кўрсатади.